

қарамасдан, бу касалликнинг сабаблари, экологик ҳолатнинг ва чорвачиликни юритишининг ўзгариши билан боғлиқлиги, барвақт диагностика қилиш, гурух усулида профилактика қилиш чора-тадбирлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 07.02.2020 й., [хттп://www.lex.уз](http://www.lex.uz)
2. Мирзиёев Ш.М. "Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5017 21.03.2021 й., [хттп://www.lex.уз](http://www.lex.uz)
3. Ата-Курбанов Ш.Б., Б.М.Ешбуриев, Сигирлар ва уруғлантириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш бўйича тавсиялар. Зооветеринария журнали. 2009, №5. Б. 23-25.
4. Студенсов А.П., Шипилов В.С., Никитин В.Я. и др. Ветеринарное акушерство, гинекология и биотехника размножения. Москва, Колос, 2000.

## **ФАСЦИОЛЁЗ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА ФАСКОЦИД ПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**Арзиев Х.Ю., Ерниязов К.Б., Бахиев Т., Рахимов Х.**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

**Аннатация.** Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги “Амир оқ чашма” фермер хужалигига қорамоллар орасида фасциолёз касаллигини ўрганиш учун олинган тезак намуналарини гельминтоовоскопиянинг кетма-кет ювиш усулида текшириш ва даволашда Фаскоцид препаратининг даволаш самарасини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларниг натижалари келтирилган. Олинган натижаларга кўра бу хужаликда қорамолларнинг фасциолёз билан заарланиши 16 фоизга Фаскоцид препаратининг даволаш самараси эса 80 фоизга тенг бўлди.

**Калит сўзлар.** Гельминт, паразит, фасциолёз, гижжасизлантириш, фаскоцид, иммуноглобулин, трекматода, цестода, гельминтоз, фауна.

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги кунда Республикамизда аҳоли сонини кескин ортиши натижасида чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб даражаси кундан-кун купаймоқда. Мамлакатимизда чорва бош сонини купайтириш ва ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотларни миқдорини ва сифатини ошириш ветеринария ходимларининг олдига юксак вазифаларни қуяди. Қорақалпоғистон Республикаси чорва молларидан олинадиган маҳсулотлар етишириш бўйича салмоқли уринни эгаллайди. Мұхтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан 2019 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4512 -сонли “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора тадбирлари түғрисида” ги қарорига мувофиқ Тахтакупир, Бузатов, Қунғирот ва Муйноқ туманлари чорвачиликка

ихтисослашган худудга айлантирилди. Ушбу қарорда белгиланган вазифаларни бажариш учун тажрибали ветеринария мутахасисларини тайёрлаш, соғлом ҳайвонлардан иборат пода структурасини яратиш, ҳамда улардан экологик тоза, сифатли ва куп миқдорда маҳсулотлар етиштириш кузда тутилган булиб, бу муаммоларни ҳал қилиш ҳозирги вақтда долзарб вазифа ҳисобланади. Аҳоли эҳтиёжини таъминлайдиган гушт, сут ва улардан олинадиган маҳсулотлар асосан шу худудларда парваришланаётган қорамоллардан олинади. Қорамоллар орасида турли хил инфекцион, инвазион ва юқумсиз касалликлар учраши натижасида улардан керакли даражада маҳсулот етиштириш режаси амалга ошмай қолмокда. Қорамолларда учрайдиган гельминтоз касалликлари улардан олинадиган маҳсулотлар миқдорини пасайишига олиб келади. Ҳайвонларнинг гельминтоз касалликлари орасида трематодалар чақирадиган фасциолёз касаллиги чорва молларидан олинадиган маҳсулотларни кескин камайтиради ва ҳайвонлар бош сонининг камайишида ҳам бу касалликлар қўзғатувчиларининг роли катта аҳамиятга эга.

Ҳайвонларнинг трематодозлари ва цестодозларини эпизоотологик ҳолати, кечиши, уларни даволаш, олдини олиш ва қарши кураш чоратадбирларини ишлаб чиқиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, хорижлик олимлардан A.Batsch, P.Z.Beneden, R.Leuskart, R.L.Kotbal, К.И.Скрябин, А.М.Атаев, Р.Е.Сафиуллин, Э.И.Рехвиашвилли, А.И.Ятусевич, Н.Т.Сорокина, П.С.Паллас ва бошқалар, Ўзбекистонлик олимлардан И.Х.Иргашев, Д.А.Азимов, Ш.А.Азимов. Б.С.Салимов, М.А.Аминжанов, А.О.Орипов, Ш.А.Джаббаров, Ш.Д.Авезимбетов, А.С.Даминов, Н.Э.Юлдашов, Ш.М.Аминжанов, Ш.Х.Қурбонов, М.Э.Ғойипова ва бошқалар томонидан фаунистик мажмуаларда гельминтларнинг тарқалиши, паразитоценотик муносабати, экологияси, тур хилма-хиллиги, гельминтозларининг эпизоотологияси ва уларда кўп учрайдиган доминант қўзғатувчилар тараққиётини ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Қорамолларда учрайдиган фасциолёз касаллигини даволашда бир қанча самарали дори воситалари тадқиқотчиларимиз томонидан синаб курилган ва керакли даражада натижаларга эришилган. Бунинг учун биринчи навбатда парваришланаётган ҳайвонларни ўз вақтида гижжасизлантириш тадбирларини ўтказиш, касллик қўзғатувчисининг биологик ривожланиш занжирини узиш натижасида ҳайвонлар бош сонини купайтириш ва улардан олинадиган ҳайвонот дунёси маҳсулотларини миқдорини ошириш, ҳамда сифат курсаткичларини яхшилаш муаммоларини ечиш ҳозирги кунда долзарб масала ҳисобланади. Инвазион касалликлардан ҳайвонлар орасида бир неча турдаги гельминтлар касаллик чақиради, лекин энг кўп учрайдигани фасциолёз касаллигидир. Қорамолларда асосан фасциолёз касаллиги катта иқтисодий заарар келтиради. Шунинг учун биз ўз тадқиқотларимизда кейинги йилларда ҳайвонлар орасида фасциолёз касаллигининг тарқалиши ва унга қарши курашиш бўйича адабиёт маълумотлари таҳлилига тухталиб ўтамиз.

Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра [1] хинозалин бирималари 150 мг/кг микдорида қулланилганда қўйларни 85 фоиз фасциолалардан холос этган.

Сигирларни фаскоцид билан даволаш ва айниқса ронколейкин билан биргаликда яллиғланиш жараёнини камайтиришга ёрдам беради, бу алфа глобулинлар концентрациясининг мос равишда 18,1% ва 19,4% га камайиши билан тавсифланади. Назорат гуруҳидаги сигирларда қайд этилган гамма-глобулинлар микдорининг камайиши ( $19,18\pm1,27$ - $20,28\pm0,20$  г/л) иммун тизимининг сусайганлиги ва иммуноглобулин биосинтези даражасининг пасайишидан далолат беради. Биринчи гуруҳдаги гамма-глобулинлар микдорининг 18,4% га, айниқса ронколейкин иммунокорректори бўлган гуруҳда - 39,7% га ошиши ҳайвон танасининг компенсацион реакциясини кўрсатади [2].

Сигирларда фасциолёзга қарши курашнинг биз қўллаган усули самарадор усул бўлиб, унинг давомида ронколейкин иммуномодулятори паразитларга қарши фаскоцид преперати билан биргаликда қулланилганда яхши натижага эришиш мумкин. Ўртacha суткалик вазн ортишини аниқлашда соғлом ҳайвонлар кунига ўртacha 700 г бўлган хўжаликларда, фасциолёз билан касалланган ҳайвонлар эса кунига 24 г вазн ортиши тажрибалар орқали аниқланди. Дегелминтизациядан сўнг ҳайвонларнинг қўшимча вазн ортиши 368 г дан ошмади, бу ўз навбатида соғлом ҳайвонлар гуруҳидаги вазн ортишидан 2 баравар кам. Даволашнинг мураккаб усулидан сўнг ҳайвонлар касал ҳайвонларга нисбатан 137 г, 2-гуруҳга нисбатан 126 г кўпроқ (1-жадвал), яъни кунига ўртacha 494,4±16,5 г тирик вазн тўплади [3].

Сантомектин препаратининг терапевтик таъсири, асосий биокимёвий жараёнларни нормаллаштириш тенденцияси билан бирга, фасциолёз билан касалланган сигирлар танасининг ўзига хос бўлмаган ҳимояси кўрсаткичларининг ошишида ҳам намоён бўлади (3-жадвал). Даволашдан кейин қон зардобининг бактерицид фаоллиги (БАСК) ва қон зардобининг лизозим фаоллиги (ЛАСК) каби табиий қаршиликнинг гуморал омиллари сезиларли даражада ошади. Назорат ҳайвонларида бир хил кўрсаткичлар паст даражада сезиларли ўзгаришларсиз қолмоқда. Паразитларга қарши мураккаб Сантомектин ва Мултивит+менерал препаратининг ижобий таъсири, шунингдек, фасциолёз билан касалланган сигирларнинг дорилар билан даволашдан сўнг, қондаги малондиальдегид микдори тажрибанинг 21 ва 28-кунларида сезиларли даражада пасайишида намоён бўлади [4].

**Тадқиқотнинг мақсади.** Қорақалпогистон Республикаси Элликқалъа туманидаги “Амир оқ чашма” фермер хужалигига қорамоллар фасциолёз касаллигини даволашда Фаскоцид препаратини самарадорлигини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Қорамоллардан тезак намуналари олиб гельминтокарнологик текшириш усулларида фасциолёзга чалинган ҳайвонларни аниқлаш. Фасциолёз касаллигига чалинган ҳайвонларда фаскоцид препаратини терапевтик самарасини ўрганиш. Фаскоцид препаратини қорамолчиликда профилактик таъсирини ўрганиш.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари.** Илмий тадқиқот ишлари Қарақолпоқистон Республикаси Элликқалъя туманидаги “Амир оқ чашма” фермер хужалигига ва Самарқанд Давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали ўкув лабораториясида ўтказилди. Тадқиқотлар учун 50 бош қорамоллардан тезак намуналари олиниб, капрологик усулларда гельминтоовоскопиянинг кетма-кет ювиш усулида текширилиб фасциолёзга чалинган 8 бош қорамоллар ажратиб олинди. Касал ҳайвонлар 5 ва 3 бошдан икки гурухга бўлинди. 1-тажриба гурухи 5 бошдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар 50 кг/тирик вазнига нисбатан 1 таблетка миқдорида фаскоцид препарти билан даволанди. 2-назорат гурухи бўлиб, ундаги 3 бош қорамолларга препарат берилмади.

**Тадқиқот натижалари:** Элликқалъя туманидаги “Амир оқ чашма” фермер хужалигидаги қорамоллардан нисбатан ориқ ҳолдагилари касалликга гумон қилиниб 50 боши алоҳида қурага ажратилди ва шу қорамоллардан тезак намуналари олиниб Самарқанд Давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали ўкув лабораториясида капрологик усуллардан, гельминтоовоскопиянинг кетма-кет ювиш усулида текширилди.

Ҳайвонларда капрологик текширишлар бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал Тезак намуналарини капрологик текшириш натижалари

Т/р	Текширила ётган ф/х номи	Текширилган ҳайвон бош сони n	Капрологик текшириш	
			фасциолёз	%
1.	Амир оқ чашма	50	8	16,0

1-жадвал маълумотларидан куриниб турибдики текширилган 50 бош қорамоллардан 8 бошида (16 %) фасциолёз касаллиги қўзғатувчисининг тухумлари топилди.

Фасциолёзга чалинган ҳайвонлар алоҳида ажратилиб 5 ва 3 бошдан икки гурухга бўлинди. 1-тажриба гурухи 5 бошдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар 50 кг/тирик вазнига нисбатан 1 таблетка миқдорида фаскоцид препарти оғиз орқали юбориш йўли билан даволанди. 2-назорат гурухи бўлиб, ундаги 3 бош қорамолларга препарат берилмади.

Фасциолёзга чалинган ҳайвонларни фаскоцид препарати билан даволаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

### 2-жадвал Фасциолёзга чалинган ҳайвонларни фаскоцид препарати билан даволаш натижалари

Т/р	Гурухлар	Берилган	Капрологик текшириш

		Препарат берилган ҳайвон бош сони н	Фаскоцид микдори	фасциолёз	%
1.	Тажриба	5	50 кг/т.в 1 таб	1	20,0
2	Назорат	3	-	3	100

2-жадвал маълумотларидан куриниб турибдики тажриба гурухдаги қорамоллар 50 кг/т.в. нисбатан 1 таб микдорида фаскоцид препарати берилганда фасциолёзга чалинган 5 бош ҳайвонларнинг 1-бошида қўзғатувчининг тухумлари топилди (20 %). Назорат гурухдаги қорамолларнинг барчасида (100 %) фасциолёз касаллиги қўзғатувчисининг тухумлари топилди.

**Хулосалар.** Ўтказилган илмий тадқиқотларнинг натижаларига асаосланиб айтишимиз мумкинки 50 бош қорамоллардан олинган тезак намуналари гельминтокапрологик текширилганда 8 тезак намунасида, яъни 16 фоиз фасциолёз касаллиги қўзғатувчисининг тухумлари топилди.

Қорақолпоқистон Республикаси Элликқалъа туманидаги “Амир оқ чашма” фермер хужалигида ўтказилган тажриба шуни курсатадики қорамолларнинг фасциолёз касаллигини даволашда Фаскоцид препаратининг даволаш самараси 80 фоизга тенг бўлди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Орипов А.О., Улашов И.А. “Фасциолацидная активность 3,4-дигидрохинозалин-4-ОН А”. / Ҳайвон ва паррандаларда ўта хавфли касалликларнинг тарқалиши ва уларга қарши курашиб чоралар. Конф. мат.туплами Самарқанд 2016 й. 204-205 бетлар.

2. Каипбергенов К., Абдиева Т. ва бошқалар. “Ронколейкин препаратини қорамолларда фасциолёзларга иммунокорректор сифатида ишлатиш афзалликлари”. // International Multidisciplinary Research in Academic Science (IMRAS) Volume.7, Issue10, October (2024) P. 63-69.

3. Авезимбетов Ш. Д., Кушимматов Ж.Б. ва Рахимов Х.М. “Ронколейкинни фасциолёзда қўллаш усуллари ва натижалари”. // Международный научный журнал «Научный импульс» № 25 (100), часть 1 Сентября , 2024 й. 122-125 бетлар.

4. Курбаниязова Г, Авезимбетов Ш. ва бошқалар.” Корамолларда сантомектинни қўлланилганда қондаги гематологик ўзгаришлар” // Международный научный журнал «Научный импульс» № 25 (100), часть 1 Сентября , 2024 й. 115-121 бетлар.

## **ПОСТМОРТАЛЬНАЯ ДИАГНОСТИКА ВЫКИДЫША ПРИ МНОГОПЛОДНОЙ БЕРЕМЕННОСТИ У КОБЫЛЫ**

**Вахрушева Т.И**

Красноярский государственный аграрный Университет, Красноярск, Россия.